



Шарқий Туркистон Хитой давлатидаги бошқа ўлкалардан тараккиётда энг орқада колгани эди. Мамлакат фақат Хитой аскарлари ва маъмурлари томонидан идора килинарди. Ижтимоий ҳаётда икки синф кўзга ташланарди: чексиз имтиёзларга эга хитойлар бир синф бўлса, барча ҳуқуқлардан маҳрум туркистонликлар иккинчи синф эди. Туркистонликлар Хитойга солиқ тўларди. Мамлакатда Хитойга қарши қучлар ҳаракати бошланганди, хитойлик волилар ўз қайфиятига қараб иш тутардилар. Шарқий туркистонликлар ўтмишдаги аччиқ тажриба ва мағлубият хотирасидан келиб чиқиб, унини ўчиришга мажбур эдилар. Туркистонликларнинг ҳаёт тарзини ўз диний пешволари, ер эгалари ва савдогарлар белгиларди. Туркистонлик маъмурлар хитойларнинг ўзига хос хусусиятларини яхши билганликларидан, ерлик халқнинг Хитойнинг хўжайинлигига қарши туйғуларини йўқ қилиб бўлмаслигини ҳам англаб етгандилар.

Маълумки, бутун Шарқда «пора» муаммоси ўзига хос бир «маданий» ҳодисадир. Бу борада Хитойлар алоҳида шухрат қозongan. Полициячидан тортиб, бош волигача туркистонликлардан олинadиган пора ҳисобига яшарди. Бу ҳусусда хитойларга тортиқлар қилиш билан оғир ҳаётини енгиллатиш туркистонликлар учун анча қулай эди. 1911 йилгача хитойлик хўжайинлар билан туркистонлик қароллар «мушук-сичкон ўйини» қилдилар. 1911 йилги инқилоб эса туркистонликларнинг хитойларга қарши қўзғолони

учун бир туртки бўлди.

Или ўлкаси аҳолиси 1912 йили ўз ҳукуматини тузишга эришди. Хомида мусулмонлар кўзғолони рўй берди. Мустабид бош воли Юди Та Хуа Янг Хел фойдасига амалдан воз кечди. Янг мамлакатда осойишталик ўрнатишга киришди, лекин буни эплай олмади. Тўс-тўполондан фойдаланган руслар ўз тобеларини кўриклаш бахонасида Урумчига 1912 йили тахминан 1000 нафар казакларни юборди. Янг руслар аста-секин ўз таъсирини кучайтиришини фахмлади. Шунинг учун у Или ўлкаси кўзғолончиларига ўз-ўзини идора қилиш ҳуқуқини бериб, улар билан иттифок бўлиб олди. Янг мўгул қисмларини Шаркий Туркистоннинг Олой ўлкасидан чекинтириш хусусида руслар билан ҳам музокаралар олиб борди. Натижада руслар мўгулларни орқага қайтариш учун уларга хужум уюштирди. Янг Хоми (Кумул) кўзғолонини ҳам музокаралар воситасида бостиришга эришди. Хитой жумхурияти раиси Сун-Пят-Сен томонидан Янг 1913 йилда бош воли қилиб тайинлангач, у ўзига берилган чексиз ҳокимиятдан кенг фойдаланди. Янг Русия билан мустақил алоқа ўрнатди. 1922 йили у ўз ҳукумати изнисиз Русия билан савдо алоқалари ҳақида битим имзолади. Яна 1924 - 1925 йилларда шўро Русияси ҳукуматига Шаркий Туркистонда бешта консуллик очишга ижозат берди. Янгнинг ўзбошимча ҳаракатлари русларнинг Шаркий Туркистондаги нуфузини мустаҳкамлашига имкон берди. 1927 йили Хитой билан Шўро иттифоқининг дипломатик муносабатлари узилган бир вақтда ҳам мазкур беш консуллик ўз фаолиятини давом эттирган эди. Аслида, Шаркий Туркистон Хитойга нисбатан Шўро иттифоқи билан кўпроқ боғланган эди. Бу ўлка 1926 -1927 йилларда Русияга 10.238.000 сўм атрофида маҳсулот сотиб, 11.777.000 сўмлик мол олди (Бухштейн. Торговля СССР, 212-6: Русиянинг харажат ва даромад баланси 1918 йилги даражага етмаётир. Русия 1918 йилда шаркий Туркистондан 23.132.300 сўмлик атрофида мол олган.). Шаркий Туркистон 1932 йили Хитойга 1.939.850 сўмлик атрофида, Шўро иттифоқи эса 10.647.000 сўмлик мол сотган. Янг Шаркий Туркистонда уруғларнинг ўзидан қучлироқ эканлигини фахмламасди. У 1928 йили 7 июлида ўлдирилди. Унинг ўрнини бош волиликдаги ички ишлар бўлими мудир Чин Шу Жин эгаллади. У ўз ҳокимлиги даврида зўравонлиги билан машхур бўлган. Арзимас айб учун оғиб, ўлдириш унинг энг кенг қўллаган усулидир. У шу йўл билан ҳокимиятни тўлиқ қўлга олмакчи бўлди. Лекин бу халқ орасида миллий кўзғолонни авж олдириб юборди. 1931 йили Чин Хоми ерларига хитойлик колонистларни жойлаштириш ҳақида фармон чиқарди. Махаллий халққа тегишли ер турли воситалар билан тортиб олиниб, колонистларга бўлиб берилди. Бу воқеа халқ орасида чуқур норозилик уйғотди. Хоми аҳолиси хитойликлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун пайт пойлай бошлади. 1930 йили охирларида Хитой кўрбекларидан бири Хомининг махаллий нуфузли кишиларидан бири бўлмиш Солих Дўрганинг кизига зўрлик билан уйланмокчи бўлди. Бу ҳар қандай мусулмон учун мислсиз ҳақорат эди. Дўрга шошилмади ва ўзини рози бўлгандай тутди. Тўй 1931 йил илк баҳорига белгиланди. Тўйга 50тача хитойлик катнашди. Булар бироз кайф бўлгач, Дўрга ҳаммасини отиб ташлашни буюрди. Тўйни ташлаб, қўлига қурол олиб чиқиб кетишди ва Хомида шу тарика катта кўзғолон бошланди. Дўргага анча олдин хитойларга қарши қуролли тўқнашувларда катнашган асли хомилиқ Хўжа Ниёз хожи ҳам қўшилди. Кейинроқ бу киши кўзғолоннинг раҳбари қилиб сайланди. Бу иккаласига 23 ёшли дунган генерали Ма Синг Жин ҳам қелиб қўшилди. Кўзғолончилар Хомини ўша йили қўлга қиритдилар. Аммо Урумчидан келган Хитой ҳарбий қучлари сиқувига бардош беролмай, шаҳардан чекиниб, тоғга йўл олишди. Хоми кўзғолони Шаркий Туркистоннинг бошқа муҳим минтақалари учун намуна бўлди.

1931 йилда бутун Шаркий Туркистонда кўзғолон машъалалари ёнди. Туркистон Хитой боскинчиларидан кутулиш учун оёкка турди. Аммо 1931 йил бошларида миллатнинг умумий рухияти ўта тушқун ҳолатда эди. Бу ҳусусда инкилоб катнашчиси, инкилобдан аввал эса мударрислик килган ҳўтанлик машхур киши Мухаммадамин Бугро шундай дейди: «Сиёсатдан беҳабар эдим. Чунки бу ҳусусда ҳеч нарса ўргатилмаган. Мен яшаган доирада миллатнинг келажаги учун кайгурадиган бирор киши топмаганим сабабли ниҳоятда умидсизландим. Ўзимда эса миллатга фойдаси тегадиган қобилият ва ҳусусият борлигини сезмадим. Ниҳоят, мамлакатимизнинг йирик шаҳарини зиёрат қилиш учун саёҳатга чиқдим. Таниш зиёлилар билан учрашдим. Уларнинг қалби ҳам вайрон эди. Амалий ҳаракатга шай турган биргина шахсга дуч келдим. Бу олий зот Гулжа қозиси Собит Домулладир. У киши билан бир неча бор узок суҳбатлашдим. Хар иккаламиз ҳам қуролли инкилобдан бошқа чора йўқ, деган фикрда тўхтадик. Ҳаракатни Ҳўтандан бошлашга азм қилдик». Бу фикр шуни кўрсатадики, Хоми кўзғолони жараёнида ҳам хали миллатпарвар доиралар ўзаро алоқа ўрнатмаган эди. Исён Шаркий Туркистоннинг муайян қисмларини қамраб олиши ва омманинг катта қисми Хоми кўзғолонидан хабардор бўлишига қарамай, Хоми кўзғолони 1932 йилнинг охиригача шу вилоят доираси билан чегараланди.

1933 йил 6 январда Турфон аҳолиси Максуд, Махмуд ва Мавсуллар бошчилигида Хитойга қарши кўзгалди. Кўзғолончилар 10 кун ичида Турфон ва унинг атрофини қўлга олдилар, 6 февралда Қорашаҳар ва Ушқони озод қилишди. Хитойлар Хомидаги қучларини у ердан олиб, Турфонга ташлади. Мужоҳидлар Турфондан улоқтириб ташланди. Қорашаҳарга чекинган мужоҳидлар 15 март 1933 йили полковник Темур (кейинрок генерал) ва Ма Жин Сос (дунган) қўмондонлигида Қуча ва Оксув шаҳарларига ҳамла қилишди ва Хоми кўзғолони сарвари Хўжа Ниёз хожи ва Ма Синг Жин (дунган) билан алоқа ўрнатишди.

Хоми кўзғолони Хўтан аҳолисининг ҳам оёкка туришига туртки бўлди. 1932 йил бошларида Мухаммад Амин Бугро укалари Абдулла, Нурахмад ва ўртоқла-ри билан Хўтанда яширин миллий Инкилоб қўмитаси тузди. Бирок 1933 йилгача ҳам халқни кўзғолонга тайёрлашга улгура олмадилар. Хиндистондан қайтаётган Гулжа қозиси Собит Домулла 1933 йил бошида Хўтанга келди. Бу қимса сиёсий тажриба орттириш учун 1931 йилдан 1933 йилгача Шўро иттифоқи, Туркия, Миср ва бошқа мамлакатларда бўлди. Бундай ақлли, маданият-ли ва диний билими билан халқнинг муҳаббатига сазовор бўлган шахснинг Хўтанга ташриф буюриши озодлик қурашига янги бир қўтаринки руҳни берди. 1933 йил 20 февралда Миллий Инкилоб қўмитаси аъзолари кўзғолонни зафарга етаклайдиган бир муваққат ҳукумат тузишга аҳд қилишди. Қорақош қозиси Мухаммад Ниёз Олам давлат раиси бўлди. Собит Домулло бош қозир ва Мухаммадамин Бугро қўмондон сифатида сайландилар. Озодлик қурашчилари 1933 йил 22 февралда Қорақошни қўлга қиритиб, 28 февралда Хўтанга ҳужум қилиб, шаҳарнинг эски қисмини ишғол қилишга муваффақ бўлишди. 22 мартда Хўтанинг янги шаҳар қисмини ҳам қўлга қиритдилар. Кўзғолончилар Ёрқентга ҳам ҳужум уюштириб, 14 апрелда эски шаҳарни эгаллашди. 13 июнда генерал Абдулланинг қисмлари бутун шаҳарни қўлга олди. 1933 йил 20 мартда Темур бошчилигидаги кўзғолончилар Қуча шаҳрини, 25 мартда Оксув шаҳрини эгаллашга муваффақ бўлдилар. Темур қисмлари 25 апрелда Қошғар шаҳрини ҳам озод қилдилар. Кўзғолон Олой ва Тарбағатой вилоятларига ҳам тарқалди. Дунганлар бошқиси Ма Син Жин 7 июнда ўз қисмларини Олойга отлантирди. Дунган қисмлари билан қў-шилган маҳаллий халқ хитойларни шаҳардан ҳайдади-лар.

Тарбагатой аҳолиси ҳам шундай килди. Бинобарин, озодлик уруши Шўро иттифокининг жануби-шаркий чегараларига келиб такалди. Дунганлар бу ўлкадаги ҳокимиятни ҳам ўз кўлларига олишни мўлжал кила бошладилар. Олой кўзғолони раҳбарияти бу фикрга кўшилмади ва ўзларига ҳукмдор килиб Шарифхонни сайладилар. Натижада Шарифхон бошчилигида Шаркий Туркистондаги козок турклари билан дунганлар орасида қуролли тўқнашув келиб чиқди. Асосан турк қавмлар яшайдиган Шўро иттифоқи империяси чегараларидаги миллий озодлик ҳаракатлари Шўро иттифоқи ҳукумати ташвишга солиб қўйди. Хитой бош волиси ҳам Урумчида ўзини эркин ҳис кила олмай қолди. Хитойлар ва руслар Шаркий Туркистондаги миллий-озодлик ҳаракатига қарши бирлашдилар. Руслар хитойларга қурол-аслаҳа етказиб турди.

Бош воли Чин Су Жин қисмлари тўғри Тарбагатойга юрди ва кўзғолончиларга қарши таваққилига ҳужум қилиб, уч кунлик жангдан сўнг 16 август 1933 йили Тарбагатойни қайтадан босиб олди. Бунинг натижасида бирданига Или, Тарбагатой ва Урумчи шаҳарлари хитойлар қўл остига ўтди. Хоми (Кумул) Олой, Қорашаҳар, Оксув, Қошғар, Ёркент ва Хўтанда миллий қучлар ҳоким эди. Шаркий Туркистоннинг бу ўлкаларида миллий ҳокимият янгидан шакллангунга қадар, жуда қўп инсонлар ўлди ва рақиблар орасида аёвсиз жангу жадаллар кечди. Хитойлар Шаркий Туркистондаги ҳокимиятидан ихтиёрий равишда тинч йўл билан воз кечмаслиги аён бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам Шаркий Туркистон миллий қучлари хитойлар қўллаган зўрликка қарши зўрлик ишлатишга мажбур бўлдилар.

Др.Боймирза Хайитнинг

"Туркистон Россия ва Хитой оралигида" китобидан